



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 1 июль, № 130 (4793)

Чоршанба

**«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ДЕВОРБОП МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҚБАТЛАНТИРИШ ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДАГИ КЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда янги корхоналар барпо этиш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари камайишини ҳамда тайёр маҳсулот нархининг арзонлашувини таъминлайдиган замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиқ қилиш ҳисобига сифатли деворбоп курилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва шу асосда ички бозорни шундай материаллар билан тўлдириш, уй-жойлар, айниқса, қишлоқ жойларда иморат қураётган аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, “Ўзқурилиш-материаллари” акциядорлик компанияси томонидан манфаатдор идоралар ва корхоналар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2009-2011 йилларда ишланган қурутқичларни янги замонавий қурутқичларни яратиш Дастури иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу тасдиқланган Дастурни амалга ошириш бўйича комплекс ташкилий-техникавий тадбирларни тасдиқласин, бу тадбирлар: замонавий энергия тежайдиган технологиялар билан жиҳозланган, шу жумладан, минитехнологиялар қўлланиладиган деворбоп материаллар ишлаб чиқариш бўйича янги қурутқич белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини;

2010 йилнинг 1 январига қадар муддатда ишланган қурутқичлар амалдаги корхоналар модернизация қилиниб, ностандарт, тежамсиз печларнинг махсус энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларга алмаштирилишини; деворбоп материалларнинг муқобил турларини қўлланниш, шу жумладан, йиғма, композицион ва кичик блокли конструкциялардан фойдаланиш асосида объектлар курилишининг янги замонавий индустриал технологиялари кенг жорий этилишини таъминлайди.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печлар (айланма, тунелсимон ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда, замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида ишланган қурутқичлар ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади (ягона иқтисодий тўлов бундан мустасно);

2012 йилнинг 1 январидан бошлаб фойдаланишга қўйилган қурутқичлар ва ер бағридан фойдаланганлик учун солиққа тортилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга ишланган қурутқичлар ишлаб чиқарганида ер бағридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларни сақлаб қолган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқи берилди;

2010 йилнинг 1 январидан бошлаб ностандарт, тежамсиз печларни махсус энергия тежайдиган технологияларга алмаштирмаган, шунингдек, белгиланган солиштирма сарф нормаларидан ортиқча ҳажмда табиий газдан фойдаланаётган ишланган қурутқичлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга табиий газ амалдаги улгуржи нархда берилди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси томонидан 2012 йилнинг 1 январига қадар муддатда энергия

тежайдиган технологияларни татбиқ қилган ишланган қурутқич ишлаб чиқарувчи корхоналарга соддалаштирилган тартиб асосида хом ашё базасини яратиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариш хом ашёни тажриба-саноат ва саноат қўламини қазиб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер бағри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олишга лицензия берилди, бунда тегишли ер бағри участкаларидан фойдаланишнинг аниқ шартлари белгилаб қўйилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2009 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда ишланган қурутқич ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ушбу қарорда белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг қўлланиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унга рияз этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

4. “Ўзқурилиш-материаллари” акциядорлик компанияси: бир ой муддатда машинасозлик корхоналарида деворбоп материаллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технология линиялар ва ускуналар тайёрлашни маҳаллийлаштиришга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин; “Ўздавнефтегазинспекция” ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси билан биргаликда 2009 йилнинг 1 августига қадар муддатда ишланган қурутқич ишлаб чиқаришга табиий газ сарфи нормаларини ҳисоб-китоб қилиш методикасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

5. Икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси “Давархитектурулиш” қўмитаси ҳамда лойиҳа институтлари билан биргаликда энергия ва ресурсларни тежайдиган технологиялар қўлланиладиган турли қурутқич ишлаб чиқарувчи бир хилдаги намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда қурутқич ишлаб чиқарувчи корхоналарга ностандарт, тежамсиз печларни махсус энергия ва ресурсларни тежайдиган ишлаб чиқариш технологияларига алмаштирилган ҳолда ишланган қурутқичларнинг модернизация қилишга оид чора-тадбирлар амалга оширилиши мониторингини ташкил қилсин ва ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига материалларни тақдим этиб турсин.

7. Тижорат банкларида ишланган қурутқич ишлаб чиқарувчи корхоналарга ностандарт, тежамсиз печларни махсус энергия тежайдиган технологияларга алмаштирилган ҳолда модернизацияни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида ошмайдиган ставка бўйича имтиёзлик кредитлар ажратиш тасвися қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2009 йил 19 июнь



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, чет эллик сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит натижасида кўплаб қўшма корхоналар ишга туширилмоқда.


## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАСИ

туфайли ички бозоримиз рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда

Бу, ўз навбатида, импорт ўрнини босувчи, сифатли маҳсулотлар тайёрлашига боғлиқ. Яқинда Андижон шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган “Idas Elektroniks Sistem” Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонасида, масалан, асосан “Нексия” ва “Матиз” русумли автомобилларга мўлжалланган сифатли ва замонавий плерлар ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилда мазкур корхона жамоаси, Асакадаги автомобиль заводи билан тузилган шартномага биноан, “Нексия” учун 1 миллион донадан ортиқ, “Матиз” учун эса 75 минг дон “СД/МР-3” плерини етказиб бериш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Диёрбек Одилов. Шухрат ОЛИМОВ (Ў.А.) олган сурат.



## АЛ-КУВАЙТ ВА ҚОҲИРАДА ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ТАҚДИМОТИ

Кувейтнинг «Мусайд Бадр ал-Сайир» нашриётида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби араб тилида чоп этилди.

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб маънавият соҳида амалга оширилган хайрли ишлар, хусусан, миллий кадрлар ва маънавият қайта тиклаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куриш йўлидаги сўфий-харакатлар ўз аксини топан ушбу асар Кувейт давлати иқтисодий-сиёсий ва илмий тадқиқот доиралари ва киллари орасида катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Кувейт ахборот агентлиги Интернет сайтыда эълон қилинган «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобининг араб тилида чоп этилгани ҳақидаги мақолада асар китобхоналари ўзбек халқининг азалий маънавий ва маданий ҳаёти, буюк аجدодларининг башарият тамаддунини ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси, нодир мероси билан яқиндан таништириши билан бирга, хорижий ҳамжамият олдида Ўзбекистон нуфузини янада оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Ушбу асар муаллифининг маънавият келажиги бўлган «Ешларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур», дея таъкидлаши ва айти пайтада ёш авлод онги ва тафаккурини ватанпарварлик руҳида шакллантиришда, унга таълим-тарбия бериб қамолотга етказишда оила, маҳалла, жамият ҳамда халқимиз миллий ғояси, кўна маънавияти ва ислом динининг юксак ўрни кўрсатиб берилиши қувайтлик илм ва

### Дунё нигоҳи

маърифат аҳлининг эътиборини ўзига тортди. Шунингдек, мақолада Президент Ислам Каримовнинг «Хайрли кунларда соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, аёна ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожига, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгартириши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир», деб қайд этиши, Ўзбекистон раҳбарининг юрт келажиги ва манфаати, ўзбек халқининг миллий қадриятларини сақлаш ва янада эъзозлаш борасида неюғли кенг қамровли, пухта ва теран фикрлаши ҳамда қайғуришдан далолат бериши таъкидланади.

(Давоми 2-бетда).

## ИСТИҚЛОЛНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилганига 15 йил бўлди.

Сўм — халқимизнинг миллий ифтихор тимсолларидан ҳамда мустақил давлатимизнинг рамзларидан бири. Миллий валютамиз мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, халқимиз маънавий-маърифий ва маданий салоҳиятининг кўрсаткичи.

Сўм Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994

### Сана

йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида” қарори билан 1994 йил 1 июлдан мамлакатимиз ҳудудида ягона чекланмаган ва қўнуний

тўлов воситаси сифатида муомалага киритилди. Бу эса Ўзбекистонда самарали пул-кредит тизимини яратиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Зеро, миллий валютасиз, мустақил пул-кредит сисъатисиз давлат сисъатини тасаввур этиш қийин.

(Давоми 2-бетда).

## «Фалла — 2009»

Дон хирмонини юксалтириш борасида бой тажрибага эга галлакорларимиз бу йил бошқоқ дон экинларидан баракали ҳосил етиштирдилар. Аини кунларда юртимизнинг барча минтақаларида ўрим-йиғим кизгин тус олган. Бу борада эришилган меҳнат зафарлари шулардан дарак бермоқда.

## САҲОВАТЛИ ЗАМИННИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

АНДИЖОН. Фаллачиликда ўзига хос мактаб яратган вилоят деҳқонлари шартнома режасини шараф билан удалаб, катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. 81700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 62,1 центнердан дон олинди. Эътиборли жиҳати шундаки, 240 минг тонна бугдой фермерлар ҳисобига қолди.

Вилоят хирмонига Избоскан, Асака, Шаҳрихон туманлари ер эгалари, айниқса, катта ҳисса қўшишди. Кўп йиллардан бери мажбуриятларини бажара олмай келаётган улғунорлик галлакорларнинг ҳам бу йил юзлари ёруғ бўлди. Эришилган ушбу муваффақиятнинг муҳим омилларидан бири вилоятда истиқболли, эртапишар, касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги эса юқори бўлган фалла навлардан галлачиликда андижонликлар фалла етиштириш баробарида, бошқа вилоятларга ҳам алоҳид сифатли уруғлик етказиб беришга бўлди. Хусусан, бугунги кунда “Чиллаки”, “Андижон-4” каби бугдой навлари мамлакатимиз деҳқонларига манзур бўлаётди.

Фалладан бўшаган майдонлардаги сомон чорва озуқаси сифатида йиғиштирилиб, ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

О. ШОДМАЛОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ вилояти галлакорлари шартнома режасини ошириб бажардилар. 98 минг гектар суғориладиган, 4200 гектар лалми майдонларда бугдойнинг серҳосил навлари экилгани ва агротехника талаблари асосида парвартирилган и ютуқлар гарови бўлди. Ҳар гектар ердан ўртача 55 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Мавсумда 225 та юқори унумли комбайнлардан фойдаланилди. Мамлакатимизда биринчи бўлиб шартномани удалаган Музабод, Шеробод, Денов, Сароисё, Ангор, Термиз туманлари фермер хўжаликлари ушбу муваффақиятга салмоқли улуш қўшидилар. Шунингдек, вилоятда 20 минг тоннага яқин сара дон уруғи етиштирилди. Ўрим-йиғим давом этаётди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО вилояти галлакорларининг ҳам бугун юзлари ёруғ. Улар шартнома режасини ошириб адо этдилар. Қоровулбозор, Гиждувон, Пешку, Бухоро, Вобкент туманлари деҳқонлари бу муваффақиятга муносиб ҳисса қўшидилар. Вилоятда кузги бошоқли дон экинларидан олиннадиган даромад ўтган

йилдагидан 15,7 миллиард сўмга ёки 21 фоизга қўлайиб, 75,2 миллиард сўмини ташкил этиши кутулапти. “Шукр Тўхта”, “Арбоб Ғайбулло”, “Жўра Нишод-98” фермер хўжаликларида ҳар гектар ердан 70 центнердан ошириб дон олинди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



**Бандликда кичик бизнес улуши ортмоқда**

**2009** йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда кичик бизнеснинг бандликдаги улуши **73,7** фоизни ташкил этди.

Ҳукуратимиз томонидан кичик бизнес ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, бу хўжалик юритувчи субъектларга турли имтиёзлар берилаётгани соҳани янада ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратишга асос бўлди.

# АЛ-КУВАЙТ ВА ҚОҲИРАДА ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, мамлакатнинг «ал-Ватан», «ал-Кабас», «ал-Сибса», «ал-Рай», «ал-Руба» каби нашрларида ҳам ушбу асар ҳақидаги шарҳ ва мақолалар чоп этилди.

Кувейт тарихчилар ассоциацияси ва Тарихий тадқиқотлар маркази тақдирини қўллаган бўлиб ўтди. Таъдир асодини асослари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросим иштирокчилари Ўзбекистон Президентининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарининг таълиф этилишига асосий туртки бўлган омишлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, улар эътиборига дунёда донги кетган аждодларимиз, улар яратган асарларнинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, ўзбек халқининг бой тарихи, муқаддас қадриятларининг жамият тарихига ва ёш авлоднинг маънавий тарбиялашдаги аҳамияти, шу билан бирга, Ўзбекистонда истиқлол йилларида маънавият йўналишида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Тақдимот иштирокчилари асарнинг моҳияти, унда илгари сурилган фикрлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Бугункидан ислом ҳаётига таъкидланганини Осиё мусулмонлар кўниси котиби, «ал-Алхам» журнали муҳаррири Салоҳ Гудайр ал-Султон сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

«Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида Президент жаноби олишлари томонидан маънавий қадриятларга таъриф бериб, уларнинг ҳозирги ва келажак авлодларни тарбиялашда алоҳида ўрин тутиши

таъкидланади. Ўзбекистонда ёшлар маънавий тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган, бу эса, ҳозирги глобаллашув шароитида ўта муҳимдир. Дарҳақиқат, ушбу асарда илгари сурилган фикрлар нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг бошқа давлатлари учун ҳам долзарб бўлиб, асар бугунги кун тартибидан ўрин эгаллашга муносиб. Зеро, умминсоний қадриятлар ва маънавий ҳаёт бир-бири билан узвий боғлиқдир. Китоб муаллифининг таъкидлашича, «Маънавият — инсонни руҳан покловчи, қалбни улғайтишга қўлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиلىшида бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқийс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир». Ушбу сўзларда Президент Ислам Каримовнинг маънавиятга бўлган фалсафий қарашлари ўз аксини топган. Китобда келтирилган ҳар бир мулоҳаза муаллифининг катта ҳаётий тажриба, кенг тафаккур ва кўп қиррали истеъдод соҳиби эканидан далолат беради. Айни пайтда асар билан танишар экансиз, Президентнинг ўз халқига бўлган меҳри ва муҳаббатини ҳис этасиз.

Университет илмий тадқиқотчиси Аҳмад Ҳамид ал-Волий Президент Ислам Каримов ушбу асарда маънавият соҳасидаги асосий масалаларга эътибор қаратганини таъкидлади.

«Ўзбекистон раҳбари ушбу асари орқали муқаддас китобларимизда баён этилган ва мутафаккир аждодларимиздан бизга мерос қолган ва уларга ривож этишга даъват этган қадриятлар — меҳр-мурувват, бағрикенглик, камтарлик каби инсоний қадриятларнинг жамиятларимиз ҳаётидаги аҳамиятини янада теран ва осон тушунишига ўз ҳиссасини қўшди. Маънавиятнинг инсоният тарихидаги ўрни оқсаклиги, унинг туб моҳияти ва мазмунини англаш муҳимлиги ҳақида гапирар экан, муаллиф тарих,

аждодлар мероси, ислом динининг ёш авлод маданий тарбиясидаги ўрнини алоҳида кўрсатади. Президент келтирган «Маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиلىшида намоён бўлади... Олпоҳнинг ўзи бизга буюрган қомил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб қадриятларнинг маъно-мазмунини нафақат «чур» асарда, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш — одамнинг маънавий бойлиги, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш мезонидир». Деган мулоҳазалар китобнинг маънавият ва маданиятга нисбатан ўз қарашларини мустақамлаб олишига хизмат қилади. Китоб менда жуда катта таассурот қолдирди. Уйлаيمанки, асар билан танишиш жараёнида ҳар бир ўқувчи ундан ўзбек халқининг бой маънавияти, маданияти, тарихи ва буюк аждодлари тўғрисида қўлай маълумотларга эга бўлади», деди А. ал-Волий.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Кувейт тарихчилар ассоциацияси аъзолари, Тарих тадқиқотлари маркази олимлари, университет ўқитувчилари китобнинг араб тилида чоп этилиши нафақат Ўзбекистон, балки Кувейт халқи маънавий ва маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлганини таъкидлади, Президент Ислам Каримовнинг маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий ғояни оқсатишига эътиборини, мамлакатда бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ҳукуматининг диний соҳада олиб бораётган бағрикенглик сиёсати, диний эркинликни таъминлаш, муқаддас зиёратгоҳлар ва осяриятларнинг қайта тиклаш борадидаги ишлари акс эттирилган «Ҳастим — мошай гавахари» видеофильми намойиш этилди.

Миср Миллий тадқиқотлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Мисрнинг расмий идоралари ва илмий-таҳлилий марказлари мутахассислари, Миллий тадқиқотлар маркази профессорлари, ишбилармон доиралар ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари содда ва раван услубда ёзилгани, айни пайтда жамият ҳаёти учун ўта муҳим масалаларни ўртага ташлаганини қайд эттишти.

Миллий тадқиқотлар маркази директори ўринбосари Ҳасан Муаввад маънавият масалаларига бағишланган асарлар бир неча халқлар ҳаёти ва турмуш тарзида ўхшашликлар борлигини кўрсатиши билан бирга, бундай китоблар турли халқлар учун ҳам фойдали ва ибратли экани ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Мисрлик олим муаллиф ушбу асарда эзгулик ва бағрикенглик асосланган ислом динига қарши бўлган, дин нибоби остида ўзининг гаврали қимсаларини амалга ошираётган кимсаларни ҳаққоний равишда қораланиши қайд этди. У китобда келтирилган маънавият ва мақдур масалалари ўз мамлакатига жамоатчилиги учун ҳам муҳимлигини айтиб, кейинги йилларда Мисрда бир неча турли ҳаракатлари амалга оширилгани, шу ўринда Ўзбекистон раҳбарининг оғоҳлик ва ҳушёрликка эшондчи фикрлари эътиборга молик эканини таъкидлади.

Миср Таққи ишлар вазирлиги хузуридаги МДХ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамгармаси бош котиби София

Иброҳим Амин тадбир иштирокчилари эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарининг араб тилида нашр этилиши 300 миллион нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган араб дунёси мамлакатлари учун ўзига хос совға бўлганига қаратди.

С. Амин 2008 йил апрель ойида Ўзбекистонда бўлгани, ана шу сафар чоғида мамлакатимизда турли соҳаларда эришилган ютуқлар, халқимизнинг маънавий қадриятларига бўлган ҳурмати билан яқиндан танишгани ҳақида гапирди. У икки мамлакат халқларининг маънавият борадидаги қарашларида ўхшаш жиҳатлар кўплиги, шундай экан, Ўзбекистон Президентининг ушбу асари Миср ва араб дунёсининг бошқа давлатларида ҳам мамнуният билан қутиб олиншини қайд этди.

«Абулхалв ад-давлий» оммавий газетаси директор кенгаши раиси Аҳмад Абдурахмон бир неча йиллардан бунён Ўзбекистонда амалга оширилган келинаётган бунёдкорлик ишлари ва барча соҳаларда эришилаётган ютуқларни қузатиб келишини таъкидлади. У Ўзбекистон раҳбариятининг аҳолининг маънавий баркамоллиги, шунингдек, буюк аждодлардан қолган меросни авайлаб асраш ва келажак авлодларга етказиб бериш борадидаги эътиборини юқори баҳолади.

А. Абдурахмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ҳақон молиявий-иқтисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг тақдимот маросимида ҳам иштирок этганини эслаб, Ўзбекистон раҳбарининг дадил мулоҳазалари ва теран қарашлари уни ҳар гал ҳайратга солишини айтиди ва мазкур асар ҳам Миср жамоатчилиги учун ўзининг жуда кўп жиҳатлари билан фойдали китоб бўлиб қолишига ишон билдирди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ҳақон молиявий-иқтисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» ҳамда «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобларининг араб тилидаги нашрлари совға қилинди.

«Ҳақон» АА.

## ИҚТИСОДИЁТ хабарлари

### Иновацион ишланмалар кўргазмаси

Пойтахтимизда «Ўқимёнао» давлат акциядорлик компаниясининг иновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар тармоқ кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ундан кўзланган мақсад, кимё санаоти хом ашё базасини кенгайтириш, мавжуд технологияларни тақомиллаштириш, импорт ўрнини босадиган экспортбор маҳсулотларнинг янги турларини яратиш, шунингдек, республикамизда нефть-газ ва бошқа соҳаларни янада модернизациялаш учун замонавий технология ва техник ёчимларни излаб топишдир.

Кўргазма-ярмаркада Ўзбекистон Фанлар академияси ходимлари, «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Кварц» ОАЖ сингари бир қатор корхона ҳамда илмий тадқиқот муассасаларининг олим ва мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда иновационлаштириш ишлаб чиқарувчилар амалиётчи-мутахассисларга ўз ишланмаларини тақдим этди. Табиийки, уларни амалиётга жорий этиш ишлаб чиқаришни ривожлантириш, энг муҳими, сифатли маҳсулот тайёрлашни қўлайитиришга хизмат қилади.

Ш. ТўРАЕВА.



А. ШЕРНАЗАРОВ.

### Яна 100 тонна маҳсулот экспорт қилинди

Йилга 3200 тонна толаи қайта ишлаш қувватига эга бўлган «Шиндонг Спиннинг-Термиз» қўшма корхонаси иш бошлаганига энди олти ой бўлди.

Шунга қарамай, корхона маҳсулотлари тобора харидоригр бўлиб бормоқда. Утган беш ой мобайнида ишлаб чиқарилган 608,3 тонна маҳсулотнинг 413,9 тоннаси Корея ва Хитойга экспорт қилинганлиги бунинг исботидир.

Кореялик ишбилармонлар ва сурхондарёлик шериклар кунги кеча қайта ишланган 100 тонна сифатли калава ип маҳсулотини ҳам хорижага экспорт қилиш йўзасидан янги шартнома имзоладилар.

С. МАЛИКОВ.

### «PLASTEKS»нинг илк одимлари

Пойтахт вилоятининг Янгийўл туманида янги корхона — «PLASTEKS» иш бошлади. 18 млн. АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ҳисобига бунёд этилган ушбу корхона бир йилда 5200 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга.

Айни пайтда бу ерда 200 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда.

Хориждан келтирилган технологиялар билан жиҳозланган корхона ўз буржумчиларига ҳам эга бўла бош-

Ю. ЁҚУБХОНОВ.

### Ўттиз киши ишли бўлди

Хатирчи туманидаги «Сайфиддин савдонвест» хусусий корхонаси хориждан келтирилган учта технология йўналишини ишга туширди.

Натижада бу ерда нон ва қандолат маҳсулотлари ҳамда салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, кунига 5 тоннага яқин маҳсулот тайёрланаётди. Эътиборлики, янги йўналишнинг ишга туширилиши туфайли 30 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ.

«Халқ сўзи» муҳбири.

## ИСТИҚЛОЛНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Утган даврда мамлакатимиз ўз миллий валютасининг барқарорлиги ва мустақамлигини таъминлашга эришти. Бунга четдан ҳеч қандай қарз олмасдан, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мавжуд захираларнинг етарлигини таъминлаш орқали мутафаккир бўлигани фахрланишга муносиб жиҳатдир.

Маълумки, давлатнинг экспорт салоҳияти миллий валюта кадр-қимматини белгилашга хизмат қилади. Шу маънода мамлакатимиз экспорт салоҳияти ошиши билан Ўзбек сўмини қадри қадри ҳам юксалиб бормоқда. Масалан, сўм муомалаларга киритилишидан аввал Ўзбекистон йилга 680 миллион АҚШ долларигача нефть маҳсулотлари, 430 миллион долларгача галла сотиб олган бўлса, бугун бундай маҳсулотларни чет давлатларга экспорт қилмоқда.

2003 йил 15 октябрдан мамлакатимизда Халқаро валюта жамгармаси Низомининг VIII

моддаси талаблари қучга кирди — жорий халқаро операциялар бўйича сўмининг эркин алмаштирилиши йўлга қўйилди. Қувонарлики, халқаро молия муассасаларининг экспертлари ҳам сўмининг барқарор валюталардан бирига айлини, тобора мустақамлашиб бораётганини эътиборга эштишмоқда.

Бугун-ўзбек сўмини қўлга олар эканмиз, унда Самарқанддаги Регистрон майдони, Тиллакор, Шердор мадрасалари, Гури Амир мақбараси каби тарихий обидалар, Темирийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиклол» санъат саройи ҳамда пойтахтимизда сохибқирон Амир Темурга ўрнатилган улугвор ҳайкал тасвирларига кўзимиз тушади. Демак, миллий валютамизда халқимизнинг бой тарихи, қадриятлари, буюк бунёдкорлик салоҳияти акс этган. Бу эса ҳар бир юртошимиз қалбида чексиз ифтихор ҳиссини уйғотади.

Ф. БЎТАЕВ.

Бугунги кунда мамлакатимизда барпо этилаётган касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва лицейлар ёш авлоднинг эшон талабалари даражасида таълим-тарбия олиши, ҳунар эгаллаши учун барча қўлайлик ва имкониятларга эга.

## ЗАМОНАВИЙ ИНШОТЛАР — ЮРТИМИЗ КЎРКИ



Бунёдкорлик

ган мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар комплексини вужудга келтирди. Кейинги элик йил ичра Орол денгизининг сатҳи тўрт баравардан ҳам кўп қисқарди, сув ҳажми эса ўн марта камайди.

Оролбўйи минтақасини сахро қамраб олмақда. Кучаяётган экологик ҳавф аҳолининг турмуш даражаси ва саломатлигига, энг муҳими, ёш авлод генотипига салбий таъсир қўрсатмоқда. Нафақат қуриётдан денгиз атрофидаги

роки ва кўмагида ҳудуднинг аҳоли генотипига ҳавф туғдирувчи нуқулдай вазиетини соғломлаштиришга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Оролни қўқариш халқаро жамгармасига 2008 йили БМТ Бюк Ассамблеясида кузатувчи макромининг берилиши унинг глобал миқёсдаги фаолияти учун янги имкониятларни очиб берди.

Лекин минтақавий экологик таҳдидлар ҳақида сўз кетганда, Оролбўйи муаммосига эътиборини сусайтириш мум-

гарасидан 30 км. масофада жойлашган 23 та чиқит қўмиш жойи ва 13 та руда қолдиқлари ташламасида радиоактив чиқитларнинг қўмилганлигидир. Экологик ҳавфсизликка бўлган бундай таҳдид Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги Ҳисор водийсида ҳам сақланиб қолаётди. Тожикистон алюминий заводининг чиқитлари (ассосан, фторли водород) Сурхондарё вилоятининг қишлоқ ҳўжалиги билан шугулланувчи туманларига салбий таъсир қўрсатапти.

Худудлар ва акваториялардан ҳўжалик мақсадларида номақбул фойдаланиш натижасида уларнинг сув режими бузилиши сабабли, шунингдек, маълум маънода иқлим ўзгаришлари оқибатидан ландшафт сарохлашуви жараёни давом этмоқда. Марказий Осиёда янгидан пайдо бўлган сахроларнинг майдони 100 минг квадрат километрге кенгайди. Айричора тадбирлар дастурини амалга ошириш бизнинг бурчимиздир.

Табиий ва техноген характердаги турли офатлар ҳам инсониятни доимо ташвишга солиб келади. Сел ва тошқинлар, кўчки, зилзила каби ҳодисалар, айниқас, ҳавфли. 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон ва қўшни ҳудудларда сейсмик жиҳатдан фаол босқич бошланган. Шимолий Кореядаги ядро синовлари, Жанубий Осиё ва Тинч океани минтақасида ҳам уларнинг ўтказилиши эҳтимоли янада ташвиш туғдиради. Чунки бу каби синовлар зилзила келтириб чиқариши мумкин.

Минтақавий экологик ҳалокат юзига келишида реал ҳавф туғдириладиган яна бир ҳолат — Қирғизистондаги Мойлисув дарёси бўйларида, яъни Ўзбекистон че-

Дунё мамлакатлари учун деярли бир хил бўлган экология ва экологик ҳавфсизлик муаммоларини ҳақида гап кетар экан, маънавий чиқиндиларни утилизация қилиш масаласини ҳам таъкидлаш муҳим. Республикаимиздаги коммунал соҳа ташкилотларининг фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, деярли ҳамма чиқинди ташлаш жойларида чиқиндиларни йиғиши, зарарсизлантириши ва қўмиш бўйича техник, санитария ва экологик меъёрларга амал қилинмапти. Мамлакат бўйича тўпланиб қолган санаот ва маънавий чиқиндилар бир миллирдан тоннадан ошиб кетди, бу эса атроф-муҳитни икчиллаштириш, инфослантиришга сабаб бўлди. Шу билан бирга, фойдали қазилмаларни интенсив равишда қазиб олиш, бунда технологиялар тақомиллашмагани ва замонавий мосламалар тақчиллиги катта миқдорда қул, шлак ва бошқа қолдиқ моддаларнинг тўпланишига олиб келади. Бу моддалар нафақат табиатга зиён келтиради, балки қишлоқ ҳўжалиги учун яроқли ерларни банд этади.

Чирчик ва Охангарон дарёлари воҳасида шакланган ер ости сувларининг сифати ёмонлашиб бораётгани, санаот зонаси ҳисобланувчи Навоий вилоятдаги ер усти ва ер ости сувларининг юқори даражада инфослангани сабабли рўй бераётган аҳвол ҳам ташвишдир. Бу ерда атмосферага олиб чиқиб ташланаётган йиллик чиқиндиларнинг умумий миқдори катталлига қолмоқда.

Афсуски, мавжуд муаммолар рўйхатини янада давом эттириш мумкин. Аммо шу нарса аёнки, минтақадagi экологик ҳавфсизликни фақат Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатлари билан таъминлаш мумкин. Шу бис ўзаро ҳамкорликни қўлайитириш ва ҳудудда табиатни асраш бўйича шошилинч тадбирларни биргаликда амалга ошириш зарурлиги аниқ-равшан. Экологик ҳавфсизликни таъминлашда табиат муҳофазасига оид қўниликни янада тақомиллаштириш, шунингдек, юксак даражадаги экологик маданиятни шакллантириш ва кенг жамоатчиликнинг атроф-муҳитни асраб-авайлаш ишларида фаол иштирок этишини қўзда тутувчи жамиятнинг экологиялашуви жараёни муҳим роль ўйнайди.

Салим ДОНИБЕВ.

# ЭКОЛОГИК ҲАВФСИЗЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Янги мингйилликда атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий муносабатларнинг экологиялашуви барқарорлик ва ривожланишнинг асосидир.

иссиқ даври 8-15 кунга узайиши оқибатида қишлоқ ҳўжалик экинлари етиштиришдаги агроклим шарт-шароитлари ҳам ўзгаради. Бир пайтнинг ўзида, мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, нуқулдай ёғи давр бир-ўч ўнқулликка қўзилиб кетади. Бундай ўзгаришлар пахта ҳосилдорлиги ва яиллолар ҳолатига ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас.

Озон омиллини ҳам ҳисобга олмастикнинг иложи йўқ. Негаки, озон қатламни емирувчи модда — хлорфторуглеводларнинг атмосферага анча миқдорда келиб тушиши ҳамон давом этмоқда. Тобора мураккаблашиб бораётган вазият уларни муқобил моддалар билан алмаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон шундай зарарли моддаларнинг атмосферага ташланишини 80 фоизга қисқартиришга эришти.

худудлар, балки бутун Марказий Осиё экологик ҳалокат минтақасига айланиб қолди.

Айни пайтда Ҳақон банки, Осиё тараққий банк, Глобал экологик жамгарма, турли халқаро ташкилотлар ва дунёнинг алоҳида мамлакатлари ишти-

кин эмас. Мазкур ҳудудда истиқомат қиладиган 35 миллион киши бугун Орол ҳалокатининг таъсири остида қолди. Денгизни том маънода қўқариб қолшин амалда иложи йўқ. Аммо Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадига ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бизнинг бурчимиздир.

Табиий ва техноген характердаги турли офатлар ҳам инсониятни доимо ташвишга солиб келади. Сел ва тошқинлар, кўчки, зилзила каби ҳодисалар, айниқас, ҳавфли. 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон ва қўшни ҳудудларда сейсмик жиҳатдан фаол босқич бошланган. Шимолий Кореядаги ядро синовлари, Жанубий Осиё ва Тинч океани минтақасида ҳам уларнинг ўтказилиши эҳтимоли янада ташвиш туғдиради. Чунки бу каби синовлар зилзила келтириб чиқариши мумкин.

Минтақавий экологик ҳалокат юзига келишида реал ҳавф туғдириладиган яна бир ҳолат — Қирғизистондаги Мойлисув дарёси бўйларида, яъни Ўзбекистон че-



Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Пойтахтимизда онколог мутахассисларнинг халқаро форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамда Республика Онкология илмий маркази ҳамкорликда ташкил этган мазкур анжуманда кўкрак беги хавфли ўсмалари муаммоларини бартаф эттишда жамоат ташкилотларининг ўрни хусусида сўз борди.

### ХАСТАЛИКДАН ХОЛИ, БЕГУБОР ҲАЁТ УЧУН


Унда маҳаллий ва халқаро ташкилотлар, расмий идоралар вакиллари, шунингдек, Германия, Италия, Швейцария, Исроил, АҚШ, Туркия, Россия, Украина, Қозғоғистон, Япония давлатларидан мутахассислар иштирок этди.

касаллик узоқ муддат давом этиб, даволаш жараёнида кўп маблағ сарфлашни талаб қилгани боис тиббий-ижтимоий реабилитация масаласи бу борада долзарб аҳамият касб этади. Шу маънода "Аёллар кенгаши" қошида Кўкрак беги саратонига чалинган аёллар жамаоти ташкил этилганлиги ва унинг беморларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳомиёлари жалб этиши ҳайрли юмушлардан бири эканлигини қайд этиш жоиз.

#### Тиббиёт

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда кўкрак беги саратони хасталигининг олдини олиш борасида соғлиқни сақлаш муассасалари, нодавлат ташкилотлар, давлат идоралари ва фармацевтика компанияларининг ўзaro иш-корлик алоқаларини йўлга қўйиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Негаки, сунгги йилларда онкологик хасталиклар мутахассисларни ўйлантириб турибди.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган из-чил ислохотлар тўғрисида ушбу касалликнинг олдини олиш, уни ўз вақтида аниқлаш ва даво чораларини қўллаш борасида илмий натижаларга эришилмоқда. Илмий шундай касалликка чалинган икки минг нафар бемор аниқланиб, улар тиббий диспансерларда замонавий тиббий ускуналар ҳамда дори воситалари ёрдамида даволанаётган. Мамлакатимиз онколог олимларининг ўзaro иш-корлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида муҳим аҳамиятга эга. Негаки, сунгги йилларда онкологик хасталиклар мутахассисларни ўйлантириб турибди.



### Ўзбекистонлик полвонлар эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпиада уйинларида доимо муваффақиятли иштирок этиб келишади.

Кунни кеча Германиянинг Дортмунд шаҳрида юнон-рум кураши бўйича яқунланган Гран-при турнирида ҳам уч нафар вакилимиз совриндорлар сафидан жой олди. Жумладан, Олимпиада уйинлари иштирокчиси Элдор Ҳафизов (55 кг.) ва Эшлод Рафутдинов (60 кг.) кумуш, Санжарбек Жумашев (55 кг.) эса бронза медалини қўлга киритди.

### Ўн етти дақиқада тўртта гол

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг 15-тур учрашувлари билан биринчи даврага яқун ясалди. Утган мавсумда бронза медалини қўлга киритган "Нефчи" жамоаси низоҳат мазмули уйинлари билан муҳлисларини хушнуд эта бошлади. Юрий Саркисян шогирдлари ушбу турда "Динамо" жамоасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида зафар қучдилар. Бу фарғоналик футболчиларнинг кетма-кет тўртинчи ғалабасидир. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Бунёкор" ўз майдонинда "Сўғдиёна" жамоасини 5:0 ҳисобида доғда қолдириди. Шу кунни Бразилия терма жамоасининг собиқ аъзоси Ривалдо урғувчи қарамонига айналди. У ўн етти дақиқа ичида "Сўғдиёна" дарвозасига тўртта тўп киритиб, миллий чемпионатимизда ўзига хос рекорд ўрнатди. Бешинчи тўпта Сервер Жепаров муаллифлик қилди. Вице-чемпион "Пахтакор" эса да куйидаги натижалар қайд этилди: "Кизилқум" — "Локомотив" 1:0, "Хоразм" — "Навбахор" 3:1, "Олмалик" — "Насаф" 0:2, "Бухоро" — "Андижон" 2:1, "Машъал" — "Металлург" 1:1.

Ўн бешинчи турдан кейинги вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Бунёкор»	13	13	0	0	40-3	39
«Пахтакор»	13	10	3	0	32-4	33
«Насаф»	14	8	3	3	22-11	27
«Олмалик»	15	8	2	5	21-20	26
«Нефчи»	14	8	1	5	19-15	25
«Хоразм»	15	7	4	4	18-15	25
«Локомотив»	15	5	5	5	12-18	20
«Кизилқум»	15	6	1	8	14-25	19
«Бухоро»	14	5	3	6	13-17	18
«Сўғдиёна»	15	5	2	8	19-32	17
«Динамо»	15	4	3	8	19-26	15
«Шўртан»	15	4	3	8	18-21	15
«Андижон»	15	2	5	8	16-26	11
«Машъал»	14	2	4	8	11-19	10
«Металлург»	15	2	4	9	16-28	10

### ФАН ВА ТЕХНИКА

Экологик тоза мой. Маълумки, холестеринсиз, экологик тоза ўсимлик мойларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб юқори. Бироқ энергия харajatларининг юқорилиги, самарали технологияларга асосланганлиги уни кенг қўлданда ишлаб чиқаришга монелик қиларди.

### Бегона ўтларга қарши

Қарши муҳандислик-иктисодий институтида бир йилда икки марта хосил этиштирилган майдонларда бегона ўтларга қарши курашининг самарадор усули ишлаб чиқилди.

### 1-3 июль ТАКЛИФНОМА Хитойнинг Шинжон маҳсулотлари кўрғазмаси

Кўрғазмада Шинжон тadbиркорларининг куйидаги маҳсулотлари намойиш этилади: \* Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари \* Қурилиш материаллари, шу жумладан, шиша ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари \* Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари \* Кабель, трансформатор, электр жиҳозлари ишлаб чиқариш ускуналари \* Асбестли черепица ва ғишт ишлаб чиқариш ускуналари \* Экскаваторлар, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш машиналари \* Эскалатор ва пидедалар автоматик йўлакчалари лифти \* Нефть ва минераллардан тайёрланган маҳсулотлар \* Пиво ишлаб чиқариш ускуналари \* Қурилиш материаллари, шу жумладан, гипсокартон, ром ва эшиклар учун профиллар, шиша, бўёқлар \* Ахборот технологиялари маҳсулотлари \* Тиббиёт жиҳозлари \* Озиқ-овқат маҳсулотлари: чой, консервалар, зираворлар, озиқ-овқат қўшимчалари, маккажўхори ёғи, сариёғ, музлатилган ҳўл мевалар \* Гиламлар

Кўрғазма манзили: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 41-уй, «Ўзкўрғазмасавдо» биноси. Мўлжал — метронинг «Беруний» бекати.

### Кучлилар аниқланди

Жиззах Олимпия заҳиралари спорт коллежида стол тенниси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди.

### Сколари — Ўзбекистонда

Кунни кеча Тошкент халқаро аэропортида Луиз Фелипе Сколари, ёрдамчи мураббий Флавио Да Кунья Тейшейра, жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий Дарлан Жозе Шнайдер ва дарвозабонлар мураббий Антонио Карлос Прачиделли кўп сонли футбол ишқибозлари томонидан тантанали кутиб олинди. Маълумки, мазкур тўрттала мутахассис ўтган мавсумда "Челси"да бирга ишлаган ва Лондон жамоасини шу йилнинг 9 февралда бирга тарк этишган эди.



— Ўзбекистонда футбол жадаллик билан ривожланиб бормоқда, — дейди Сколари. — Шунинг учун мен "Бунёкор"дан тушган таклифни рад этмадим. Бу ерга келишдан олдин "Бунёкор"нинг бир қатор учрашувлари видеобузувларини кўриб чиқдим. Ўзбекистон ва Япония терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионати саралаш учрашувини бевосита "Пахтакор" стадионида томоша қилдим. Айтишим мумкинки, мамлакатингизда тажрибали футболчилар етарли. Уларни умумий бир мақсад — фақат ғалабалар сари жиғлаштира олиш керак.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Айни кунларда Сингапурда ўсмирлар ўртасида Осиё ўйинлари давом этмоқда.

### Осиё ўйинларидаги биринчи медал

Қитъамиз ёшларининг ушбу нуфузли мусобақасида 31 нафар вакилимиз, сузиш, сувга сакраш, стол тенниси, ўқ отиш, стритбол, енгил атлетика, боулинг каби спортнинг етти тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Осиё ўйинларининг иккинчи кунини енгил атлетиканинг бализликка сакраш баҳсларида иштирок этган Светлана Прошкина бронза медалига сазовор бўлди. Бу ҳозирча терма жамоамиз ҳисобидаги биринчи медал ҳисобланади. Светлана яқинда Гулистонда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" мусобақасида олтин медални қўлга киритган эди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

### ОБ-ҲАВО (1 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 13-18, кундузи 29-34 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 14-16, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

- Ўзбекистон Миллий телерадиоканьяси жамоаси "O'zbekiston" телерадиоканьяли ДУК "Ахборот" Бош муҳарририяти мухбири Абдурозик Ҳалимовга волида муҳтарамаси **ГУЛШИН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
- Республика давлат-тижорат Халқ банки жамоаси Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари Мухиддин Саидовга онаси **МАРЯМ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
- ЎзР ФА Илмий-ўқув маркази жамоаси марказнинг собиқ ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор **Ақбар АХМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.
- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Физика факультети Физикавий электроника кафедраси мудири, доцент Неймат Норқуловга падари бузруқкори **НОРҚУЛ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
- Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг Самарқанд худудий филиали директори **Омон МЕЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.
- Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Тикув буюмлари технологияси кафедраси доценти Мунира Бобоновага падари бузруқкори **АБДУҚУДУС отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## КОЛЛЕЖ БУЮРТМА ОЛАДИ

Гап шундаки, Қўқон шаҳридаги 2-Енгил саноат касб-хўнара коллежининг тўқув ҳеҳида тайёрланган бу каби маҳсулотлар бугун нафақат ушбу санъат даргоҳи, балки юртимиздаги кўплаб масканлар, томоша залларига эб бериб турибди. Хусусан, коллеж ўқувчилари айни кунларда қайта таъмирдан чиқарилган Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона давлат драма ва комедия театрининг сахна пардаси, зал бе-заklarини ҳам тайёрлашга киришган.

нишлари учун цехга 20 та "Зингер" русумли ҳамда 28 та бошқа турдаги тўқув дастгоҳлари ўрна-тилган. Бу ерда 25 турдаги, турли андозадаги трикотаж ҳамда кийим-кечак маҳсулотлари ҳам тайёрланапти.

қизлар томонидан ишлаб чиқарилган кам электр энергияси сарфловчи, унумдорлиги юқори бўлган 10 та сув тортиш насоси, элеваторларни фермерлар харид қилиши. Шунингдек, ўқув масканида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 30 турдаги минитехника воситалари, асбоб-ускуналар ҳам тайёрланапти.

тақсимлагичлар, спорт анжумаларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Бу хайрли ишларга 700 нафардан зиёд ўқувчи жалб этилган. Қувонарлиси, айни кунда вилоятда бундай илғор коллежлар сафи тобора кенгайиб борапти. Хусусан, яқинда Фарғона шаҳридаги Қиргули қурилиш саноат коллежи ўқув муассасалари учун мебель тайёрлаб беришга буюртма олган бўлса, Фарғона туманидаги агросаноат коллежининг миниконсерва ҳеҳи янги маҳсулотларни қабул қилишга шай турибди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамиле Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.45 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6 7 9